

ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида Навоий вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 21 729,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 % га ўсади.

2018 йил январь-декабрь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 22 489,1 минг. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Навоий вилоятининг қўшган ҳиссаси 5,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йил январь- декабрга нисбатан, % да
	2017 йил январь- декабрь	2018 йил январь- декабрь	
ЯҲМ	14232,2	21729,0	103,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13847,9	20996,6	103,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	384,3	732,4	103,2
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13847,9	20996,6	103,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3940,6	5441,6	103,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	7168,3	12237,5	102,1
саноат	6581,7	11350,8	99,8
қурилиш	586,6	886,7	128,5
хизматлар	2739,0	3317,5	105,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	762,0	930,7	104,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	569,6	631,0	106,2
бошқа хизмат	1407,4	1755,8	106,7

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,9 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 25,9 %), қурилиш – 128,5 % (4,2 %) ва хизматлар соҳаси – 105,9 % (15,8 %) ни ташкил этди. Саноат тармоғида эса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 % га камайиш кўзатилди.

2018 йилнинг январь-декабрида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари


Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,6 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,4 % ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Саноат тармоғининг (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМ тармоқлари бўйича таркибидаги улуши 6,6 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 58,3 % ни ташкил этди. Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуши 25,9 % ни ташкил этди ва 2017 йил мос даври билан таққослаганда 2,6 % пунктга, хизматлар соҳаси эса 15,8 % ни ташкил этиб 4,0 % пунктга камайди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бүйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 4,4 % ни (2017 йил январь-декабрь 5,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 3,0 % ни (4,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 8,4 % ни (10,2 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар